



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 йил – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 18 февраль, № 33 (9204)

Чоршанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БУЮК БРИТАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 февраль куни амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Буюк Британиянинг Марказий Осиё ва Озарбайжон бўйича савдо вакили лорд Жон Олдердайсни қабул қилди.



Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ўзаро манфаатли шерикликни, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий соҳада янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Сиёсий мулоқот жадал ривожланаётгани, барча даражаларда алмашинувлар фаол давом этаётгани таъкидланди. Хавфсизлик соҳасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Кейинги 5 йилда товар айирбошлаш 2 баравар ошди. Лондон фонд биржасида Ўзбекистоннинг 15 миллиард доллардан ортиқ қийматдаги суверен ва корпоратив облигациялари жойлаштирилди. Утган йили Кўшма иқтисодий кўмита механизми ишга тушди.

Британиялик ҳамкорлар билан биргаликда Президент мактаблари ташкил этилди ва учта кўшма университет муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ўзбекистонга ташриф буюраётган британиялик сайёҳларнинг сони ортиб бормоқда.

Сўхбат давомида энергетика, молия, геология, транспорт, кимё, фармацевтика, фан ва таълим соҳаларида янги лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, минтақавий ва глобал аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Учрашув якунида кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича кўшма "йўл харитаси"ни қабул қилишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифи биноан 17-19 февраль кунлари Тинчлик кенгашининг дастлабки йиғилишида иштирок этиш учун амалий ташриф билан ушбу мамлакатга жўнаб кетди.

Кенгашнинг биринчи саммити АҚШ Тинчлик институтида бўлиб ўтади ҳамда ўзо секторини тиклаш, унга гуманитар ёрдам кўрсатиш, ушбу минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларига бағишланади.

Ўзбекистон етакчиси ташрифнинг иштирокчилари дастури доирасида Американинг етакчи компаниялари ва молия институтлари раҳбарлари иштирокидаги стратегик лойиҳалар тақдимоти ҳамда иқтисодий соҳага оид икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросимида иштирок этиши ҳам кўзда тутилган.

Эслатиб ўтамиз, Тинчлик кенгаши АҚШ Президенти Дональд Трампнинг ташаббуси билан ташкил этилган. Ўзбекистон жорий йил январь ойида Швейцариянинг Давос шаҳрида унга таъсисчи давлат сифатида қўшилди.

Ў.А.

Биз ва жаҳон

ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ, МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР ЛОЙИҲАЛАР ОРҚАЛИ АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

Мунтазамлик касб этган Ўзбекистон – АҚШ сиёсий алоқалари иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа кўплаб соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни фаоллаштиришга хизмат қилмоқда.

Хусусан, АҚШда яшаётган ўзбек диаспораси ўзининг иқтисодий иштирокини мустаҳкамламоқда, миллий анъаналарни сақлайдиган, Ватанидаги ижтимоий ташаббусларни кўллаб-қувватлайдиган ва халқимизнинг бой маданий меросини тарғиб этиш орқали икки мамлакат ўртасидаги ўзаро тушунишни яхшилашга ҳисса қўшадиган лойиҳаларни амалга оширмоқда. Бу эса, ўз навбатида, давлатлар ўртасидаги бўлажак расмий учрашувлар учун ижобий контекстни шакллантиради.

АҚШда ўзбек диаспорасининг фаол иштирокига янги миллий савдо марказининг очилиши мисол бўла олади. Американинг Пенсильвания штатидаги Филадельфия шаҳрида "Asr" ўзбек супермаркетининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу лойиҳа Филадельфиядаги ўзбек диаспораси вакиллари томонидан амалга оширилди. Тантанали тадбирда ўзбек жамоатчилиги билан бир қаторда турк, фаластин, афгон, рус ва украин диаспоралари вакиллари ҳам қатнашди.

"Asr" супермаркетининг очилиши Нью-Йоркда фаолият юритаётган "Tashkent" ўзбек супермаркетлар тармоғи сингари АҚШдаги миллий савдо инфратузилмасининг муҳим бўлагига айланди. Филадельфиядаги янги марказ кенг турдаги маҳсулотларни, жумладан, Ўзбекистондан импорт қилинган товарларни тақлиф этмоқда.



Муносабат

МЕҲР-МУРУВВАТ, АҲИЛЛИК ВА ШУКРОНАЛИК ОЙИ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Аллоҳ таолога ҳамду санолар, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга салавоту саломлар бўлсин!

Ўлкамизга бутун мусулмон уммати учун файзу баракотли айём – Рамазон ойи кириб келмоқда. Аллоҳ таоло ушбу улғу ойнинг ҳаммамиз учун кут-баракали, раҳмат ва мағфиратга тўла бўлишини насиб этсин. Уни иймон-эътиқод ила савоб умидида ўтказишга муваффақ айласин.

Рамазон – Қуръони карим нозил бўлган, инсон қалбини поклайдиган, нафсини жиловлайдиган ва гўзал фазилатларни намоен этадиган ой. Бу айта кишилар нафақат рўза тутати, балки маънан янада юксалади, меҳроқибат ва ўзаро ҳамжихатликни намоен этади.

Рамазон шариф мўмин-мусулмонларни икки дунё одадига етакловчи фурсат. Шу боис бу муборак ойнинг ҳар бир лаҳзасини ганимат билиб, солиҳ амаллар, тоат-ибодат ва яхшиликлар ила ўтказишимиз лозим. Зеро, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Имом Байҳақийдан ривоят қилинган ҳадиси шарифда: **"У (Рамазон) мўмин учун ганиматдир"**, деб қутлуг ойдан унумли фойдаланишга чақирганлар.



ИПАКЧИЛИК СОҲАСИНИ ЯНГИ ТИЗИМ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ипакчилик соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда ипакчилик ва пиллачилик аҳолини даромадли иш билан таъминлаш, кишлоқ жойларда бандликни ошириш ҳамда экспорт салоҳиятини кенгайтиришда муҳим ўрин тутати. Лекин озуқа базасидан бошлаб пиллачилик чўқур қайта ишлашга бўлган барча жараёнларда тўпланиб қолган муаммолар соҳа салоҳиятини тўлиқ ишга солишга тўсқинлик қилмоқда.

Хусусан, ипак қурти уруғининг салмоқли қисми импорт ҳисобига тўғри келмоқда. Маҳаллий уруғдан фойдаланиш даражасини 2030 йилгача 75 фоизга етказиш имкони борлиги, бунинг учун насли уруғчилик станциялари фаолиятини тиклаш зарурлиги қайд этилди.

Тақдимотда Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги насли уруғчилик станцияларида элита уруғлар тайёрлашни йўлга қўйиш, мавжуд 10 та ипак қурти уруғчилик корхонасига қўшимча жорий йилда Бухоро ва Наманганда 2 та янги уруғчилик корхонасини, 2027-2029 йилларда Тошкент, Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида 4 та янги корхона ташкил этиш режалари ҳақида ахборот берилди.

Наслчилик ва уруғчилик корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга хорижий малакали мутахассисларни жалб қилиш, мавсумий ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш харажати яқини қоплаб бер-

риш ҳамда уларнинг фаолиятини даромад ва ижтимоий солиқ объекти сифатида ҳисобламастик тақлиф этилди.

Пилла сифатини ошириш учун озуқа базасини яхшилаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Озуқа базасини 2026-2030 йилларда босқичма-босқич кенгайтириш режалаштирилган. Жумладан, 8 минг гектарда янги тўздорлар барпо қилиш, 41,5 минг гектар майдонда яқка қатор тут қўчатларини экиш, 15 минг гектардаги тўздорларни реконструкция қилиш назарда тутилган. Бунинг натижасида 2030 йилга қадар 200 миллионга тут қўчатлари экилиши ва озуқа базаси 30 фоизга ошиши кутилмоқда.

Пилла етиштириш ҳажмлари озуқа базасини таҳлил қилиш асосида прогнозлаштирилади. Хусусан, 2026 йилда 30 минг тонна, 2030 йилга бориб, 36 минг тонна пилла етиштиришга чиқиб режа қилинмоқда.

Соҳадаги ишлар янги тизим асосида ташкил этилади. "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси, вилоят ва туман "Агропилла" тузилмалари, ипакчилик кластерлари ўзаро мувофиқлашган тарзда иш юритиб, янги тўздорларни ташкил этишдан тортиб, етиштирилган пиллани сотиб олишга бўлган барча босқичларда фермерлар, касаначилар ва кўрт боқувчилар ишини ташкил этади ҳамда уларга кўмаклашади.

Кам даромадли, ижтимоий реестрга киритилган оишаларни пиллачиликка жалб этиш ва уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, жорий йилдан бошлаб "маҳалла етилиги" орқали аҳолига 1 килограмм пилла қийматининг 35 фоизи миқдорида субсидия, парваришlash жиҳозлари ва ускуналар харидига 20 миллион сўмгача ссуда ажратиш йўлга қўйилади.

Пиллачиликда саноат усулини кенгайтириш муҳим вазифа сифатида белгиланди. Ҳозирда пилланинг асосий қисми хондон шароитида етиштириляётгани қайд этилар экан, махсус қуртхоналар ташкил этиш орқали ҳажм ва сифат барқарорлигини таъминлаш мумкинлиги таъкидланди. Кластерлар томонидан қуртхоналарни куриш ва ишга туширишни рағбатлантириш, шу жумладан, қуртхоналарни ер ва мол-мулк солиғидан 2029 йил 1 январга қадар озод қилиш тақлиф қилинди.

Экспорт ва қўшилган қийматни ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Айни пайтда маҳаллий пилладан юқори сифатли хом ипак олиш ва уни қайта ишлаш улushi пастлигича қолаётгани қайд этилди. Сифатини ошириш ва чўқур қайта ишлашни кенгайтириш ҳисобига экспорт тушумларини 250 миллион долларгача ошириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Ў.А.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор қатор масалалар, жумладан, рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини ошириш, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Рақамли маркировкалаш тизими ва очиклик кафолати

Дастлаб депутатлар рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини оширишга қаратилган

қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилди. Унда масофавий солиқ текшируви жараёнларини тезкор ташкил этиш, солиқ тўловчи хузурига бормасдан назорат тадбирларини амалга ошириш ҳамда тадбиркорлик субъектла-



МУҲОКАМА МАРКАЗИДА – ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Хорватия парламенти Конституция, регламент ва сиёсий тизим кўмитаси раиси Иван Маленица билан учрашди.

Учрашув

Сўхбат чоғида Ўзбекистон ва Хорватия ўртасидаги парламентларо ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари муҳокама марказида бўлди. Жумладан, томонлар қонунчилик фаолияти, парламентларо мулоқотни, кўмиталар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, делегациялар алмашинуви фаоллаштириш

масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Музокараларда савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, хусусан, фармацевтика, тиббий технологиялар, саноат ускуналари, тўқимачилик, агро қайта ишлаш ҳамда транспорт-логистика соҳаларида қўшма лойиҳаларни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

Дунё нигоҳи

ШАРҚ МАДАНИЯТИ ВА АДАБИЁТИ ГҮЛТОЖИ

Адабиёт — халқимизнинг маънавий олами... юксалтиришда алоҳида аҳамиятга эга. Бу йўлда улуг адабларнинг ижодини ўқиб-ўрганиш, кенг тарғиб қилиш асосий вазифа ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, унинг ҳаёти ва ижоди асрлар давомида дунё олимларининг диққат-эътиборини тортди келмоқда.

Хелмут ДАЛОВ, адабиётшунос ва таржимон (Германия):



— Шарқ мумтоз ўрта аср мутафаккирлари орасида Мирзо Бобурдек жаҳон шарқшунослигида энг эрта ўрганила бошланган, маълум ва машҳур бўлган, шуҳрат топган бошқа шахс жуда кам топиларди.

Мазкур асар мемуар жанрнинг муқаммал намунаси, тарихий-бадий манба ҳисобланади. У турли тилларда адабиётшунослар, тарихчилар, тилшунослар, санъатшунослар, этнографлар, ҳайвонат ва наботот соҳаси тадқиқотчиларининг ўрганишига айланган.

Керол ЭРМАКОВА, адабиётшунос ва таржимон (Британия):



— Бу беназир шахс 47 йилгина яшаб бизга чинакам ҳаёт инсониятга нечоғли фойда қилган, авлодларга нимани мерос қолдиришда эканини аниқлаш билан жуда қадрли. Унинг асарларидаги каби юксак санъаткорлик, гўзал бадиият, инсон шаънини улуглашнинг бошқа ижодкорда топилмас.

Унга бўлган муҳаббатим боис Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пириқул Қодиров қаламига мансуб "Бобур. Юлдузли тунлар" романини инглиз тилига ўғирдим. Таржима матни Жули Уикенден томонидан таҳрирланди.

Авиа РОЗЕНТАЛЬ, Смитсон Осий санъати миллий музейи ходими (АҚШ):



— Ҳар бир халқнинг тарихий, маданий, миллий қиёфасини белгилаб берувчи улуг йўлбошчилари, буюк олимлари, йирик адиб ва шоирлари бўлади. Искандари Мақдуний, Суқрот, Арасту, Букрот, Еврипид, Хомер қабилари эслганимизда, миллатларнинг буюк мероси, маданияти қанчалар улугворлиги ва нафосати намоеён бўлади.

Мирзо Бобур ижоди, ақлзаковати билан бугунги кунда ҳам дунё адабиётшунослари, тадқиқотчилар, адабиёт муҳаббатлари ҳамда кенг жамоатчилик орасида алоҳида ҳурматга сазовор бўлган.

Бундан беш йил муқаддам музейимизда Бобур ва бобурийлар мероси мавзуга бағишлаб ўзбекистонлик ва америкалик олимлар иштирокида қўшма илмий-амалий симпозиум ташкил этилди. Кўргазмада АҚШ музейида бобурийлар даврига оид 20 дан зиёд ноёб артефактлар намойиш қилинди.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади — фақат хомашё сотиш эмас, балки тайёр, қўшилган қиймати юқори маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорларида муносиб ўрин эгаллашдир.

Муносабат



Ташриф давомида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳудудларнинг иқтисодий кўрсаткичлари танқидий таҳлил қилинди. Бу бежиз эмас. Таъкидлаш жоизки, бугун Янги Ўзбекистон иқтисодиёти шунчаки ўсиш эмас, балки туф сифат ўзгаришлари даврини бошдан кечирмоқда.

Бу ёндашув иқтисодиётда экстенсив эмас, балки интенсив ўсиш моделини қарор топтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, йиғилишда жорий йил учун 50 млрд. доллар хорижий инвестиция жалб этиш режаси белгилангани маълум қилинди. Хорижий инвестицияларни ўзлаштиришда янги лойиҳалар, аввало, юқори қўшилган қийматли ва экспортбон маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилиши кераклиги белгиланди.

Хусусан, 165 млрд. долларлик 377 та стратегик лойиҳа алоҳида назоратга олиниб, уларнинг амалга оширилиши учун йил давомида мониторинг қилинадиган "Ягона миллий лойиҳа бошқаруви" платформаси жорий этилди.

Барқарорлик — устувор вазифа

Натихалар билан қиёфаланмасдан, иқтисодий барқарорликни таъминлаш мамлакатимиз учун устувор вазифа саналади. Шу боис 2026 йил учун 6,6 фоизлик иқтисодий ўсish ва янги ички маҳсулот ҳажмини 167 млрд. долларга етказиш режалаштирилган.

Натихалар тўхтаб қолиш асос бўлмайди

Давлатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилаётган ислохотлар замирида иқтисодий қудратни ошириш билан бир қаторда, ҳар бир фуқаронинг фаровонлигини таъминлашдек олий мақсад мўжассам. Утган йилги натихалар мамлакатимизнинг ташқи савдо салоҳияти нақадар юқори эканини кўрсатди.

Бирок эришилган натихалар тўхтаб қолиш учун асос эмас. Эндиги асосий вазифа — экспорт географиясини диверсификация қилиш, яъни янги бозорларни забт этишдир.

Иқтисодий самарадорликка янги ёндашув талаб этилади. Эндиги вазифа шунчаки инвестиция жалб қилиш эмас, балки "Бир доллар инвестициядан қанча қўшилган қиймат олинади?" ва "Бир гектар ердан қанча маҳсулот ишлаб чиқарилади?" деган саволлар асосий мезонга айланмоқда.

Саноат сиёсатида муҳим давр

Президентимизнинг Тошкент вилоятига ташрифи ва ўтказилган видеоселектор йиғилиши саноат сиёсатида янги босқич бошланганини кўрсатди.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилаётган ислохотлар замирида иқтисодий қудратни ошириш билан бир қаторда, ҳар бир фуқаронинг фаровонлигини таъминлашдек олий мақсад мўжассам. Утган йилги натихалар мамлакатимизнинг ташқи савдо салоҳияти нақадар юқори эканини кўрсатди.

ришдан иборат бўлмайди. Асосий эътибор қўшилган қийматга — хомашё эмас, тайёр маҳсулот соҳасига энг замонавий технологияларни татбиқ этишга, самарадорликка — ҳар бир сарфланган доллар ва ҳар бир гектар ердан максимал фойда олишга қаратилган. Бу янги сифат босқичи бўлиб, Ўзбекистонни жаҳон бозорига рақобатбардор давлатга айлантиради.

ва юқори технологиялар орқали маҳсулотларимиз нафақат ички бозорда, балки халқаро майдонда ҳам "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деган ном билан машҳур бўлади.

Оқангарон тумани ўзининг географик жойлашуви ва табиий ресурслари билан катта салоҳиятга эга. Аммо давлатимиз раҳбари ҳақли эътироз билдириганидек, туман иқтисодиёти ҳали Янги Ўзбекистон шиддатига мос келмаяпти. Тумандаги мавжуд имкониятлар ва захиралардан тўлиқ фойдаланилмапти.

Иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим жиҳати — унинг ижтимоий йўналиштирилганлигидадир. Муборак Рамазон ойи арафасида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бозорларда нарх-наво барқарорлигини сақлаш ва арзонлаштирилган озиқ-овқат ярмаркаларини ташкил этиш бўйича белгиланган чора-тадбирлар бунинг аёқол исботи.

Шу жиҳатдан, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар миллионлаб инсонлар тақдирини, ҳар бир оиланинг эртанги кунига дахлдор экани билан янада аҳамиятландирган. Шундай экан, келажакни қўлаб, инсон омилига эътибор қаратган ҳолда аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўлида қайғуриш, таълим сифатини ошириш борасида Президентимиз томонидан юклатилган топшириқларнинг ижросини бекум кўст таъминлаш нуктаи назаридан фаолиятимизни янада кучайтираемиз.

Нарзулло ОБЛОМУРОДОВ, Тошкент давлат аграр университети ректори.

Тиббиёт ЯНГИ РАҚАМЛИ МОДУЛЛАР

Ўзбекистон тиббиёти тараққиётининг янги босқичи — рақамли соғлиқни сақлаш даврига қадам қўйди.

Соҳани тўлиқ рақамлаштириш ва тиббий хизматлар сифатини янада ошириш мақсадида тизимга энг илгор ахборот технологиялари жорий этиляпти. Хусусан, айни пайтда барча давлат тиббиёт муассасалари "DMED" ягона рақамли тиббий ахборот тизимига уланиб, қарийб 38 миллион аҳолининг электрон тиббий картаси шакллантирилди.

Бу ҳақда Республика ихтисослаштирилган дерматология, венерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказида ўтказилган тиббиётга доир янги рақамли модуллар тақдиротида айтиб ўтилди.

Қайд этилганидек, "DMED" ягона рақамли тиббий ахборот тизимининг имкониятлари кенг. Мазкур тизим орқали беморларни рўйхатга олиш, қабул жараёнларини автоматлаштириш, даволаш режаларини шакллантириш ҳамда тиббий маълумотларни марказлашган ҳолда юритиш имкони яратилган.

2026 йилда "DMED" ва "Электрон рецепт" модуллари янада ривожлантириши, хусусан, республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида ушбу платформадан, хусусий тиббиёт муассасалари ва дорихоналарда эса "Электрон рецепт" модулидан фойдаланиш бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш кўзда тутилган.

«Халқ сўзи».

ТОЗА МУҲИТ ЎЗИМИЗДАН БОШЛАНАДИ

Пластик чиқиндиларнинг тез суръатда кўпайиб бораётгани бугунги глобал муаммолардан биридир. У нафақат шаҳар-қишлоқларимиз манзарасини бузади, балки саломатлик учун ҳам кўзга кўринмас, аммо узоқ муддатли таҳдид саналади.



Бугуннинг гапи

Сўнгги йилларда ўтказилган илмий тадқиқотлар микропластик ва нанопластик заррачаларнинг инсон организмига овқат, ичимлик суви ва ҳаво орқали кириб, айрим тўқима ва органларда тўпланиши мумкинлигини тасдиқламоқда.

БМТ ҳисоботиغا кўра, инсоният ҳар йили тахминан 400 миллион тоннадан зиёд пластик маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Шундан бор-йўғи 9-10 фоизига қайта ишланади, қолган қисми эса тупроққа, дарёга, океанга тушади ёки ёниб, ҳавога зарарли моддалар тарқатади.

Пойтахтимиз кўчаларини кўпгина шаҳарлар билан қиёслаб кўрилса, орасталиги билан анча-мунча шаҳарларни орта қолдиради. Баъзи серкатнов йўлакларда ҳар 20 — 30 метрда чиқинди қутилари тургани мушкулнинг осон, кўнглингизни эса равшан қилади. Ва бундай манзара эҳтиёжга қараб мамлакатимизнинг ҳар гўшаси, одамлар гавжум жойларда акс этса, дейсиз.

Очигини айтиш керак, шаҳарларимизнинг озодлиги — сиз билан бизнинг ватанпарварлигимиз, экологик маданиятимиз тўғрисида эмас, қайга қарасангиз чумоликдек тиним билмай супуриб-сидираётган "сарик либосли" фидойиларнинг машаққатли меҳнати эвазига, десак, адашмаймиз.

— Мен ўн олти йилдан бери шахримиз кўчаларини тозалаш ишлари билан шуғулланиб келаман, — дейди Шайхонтоҳур тумани ободонлаштириш бошқармаси ходими Лола Иромова. — Тўғрисини айтсам, одамлар меҳнатимизнинг қадрига етмайди. Эрта тонгда, соат 06:00 да иш бошлаймиз. Ёзни ёз, қишни қиш демасдан, ҳаммаёқни тозалаймиз. Аммо кўз очиб-юмгунча яна эски ҳолига келтириб қўйишади. У ёқда "салафан", бу ёқда "баклажка", энг ёмони, ер ости йўллари, хилватроқ жойларда ҳайвон қилмайдиган ишларни қилиб кетишади... "Шаҳримиз тоза турсин, ўзимиз, болаларимиз яшайди", дейишса қанийди. Одамларимиз биров

тартибга риоя қилишса бўлади-ку, ахир!

Жонидан ўтганидан кўйиниб гапираётган Лола опа "Чиқинди қутиларга пластик ва бошқа нарсалар алоҳида-алоҳида солинадими?", деган саволга "Йўқ" дея жавоб берди. Ҳолбуки, ёнма-ён турган қутиларга пластик ёки озиқ-овқат чиқиндиларини алоҳида солиш кераклиги ёзиб қўйилган. Дунёнинг қўллаб-ривожланган мамлакатларида чиқиндиларни алоҳида-алоҳида қўйиш учун шароитлар яратилган, қатъий талаблар қўйилган ва аҳоли бу талабларга астойдил риоя қилади.

Ўзбекистонда ҳам шаҳар аҳолисининг кўпайиши, тез тайёрланадиган овқат шаҳобчаларининг кенгайиши — пластик сарфини йилдан-йилга оширмоқда. Шундай бир шароитда ҳар бир фуқаронинг оддий ва кундалик одатлари улкан экологик натижа бера олиши турган гап. Жаҳон тажрибасига асосланиб шуни айтиш мумкинки, матоли сумка, шиша идиш, кўп марталиқ асбоблар, қайта тўлдириладиган маҳсулотлар ва чиқиндиларни ажратиб қаби оддий қадамлар шаҳарларнинг санитар ҳолатини яхшилайдди, табиий ресурсларни тежайди, қайта ишлаш харажатларини қисқартиради ва туризм ҳамда сервис соҳасига ижобий таъсир кўрсатади. Энг муҳими, инсон саломатлигини ҳимоя қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган экологик дастурлар ва "яшил" иқтисодиёт стратегияси айнан фуқароларнинг онлиги ва масъулияти ишторихига таянади. Зеро, экологик инқирозлар нафақат давлат миқёсидаги сиёсий муаммо, балки ҳар бир фуқаронинг кундалик одатлари ҳам боғлиқ масаладир.

Ғолиб БАҲРОМОВ («Халқ сўзи»).

Шу йил 1 сентябрдан олий ўқув юрларида «Олийгоҳлар — стартаплар генератори» дастури амалга оширилади.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper. Includes contact information for the editorial office, subscription rates, and a QR code. Text: 'Халқ сўзи Народное слово', 'Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ', '2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 25 654 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.', 'Телефонлар: Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.', 'Манзилими: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Ф. Баҳромов. Мусахҳиҳ — С. Исмолов.', '«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.25 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6'.